

ЮПҚА ДЕВОРЛИ МЕТТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЕСИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Сайлиев Исмат Исматович

Докторант, Бухоро муҳандислик технология институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада оқим линияларда ишлаш пайтидаги унумдорлигини ошириш, тўхтаб қолишларни, чиқиндилар ва яроқсизликлар сонини камайтириш мақсадида рамали типдаги механик аррали машиналарнинг кўп аррали ишчи органлари ва юпқа пластинкали арраларидан фойдаланиш имкониятлари баён қилинган.

Калит сўзлар: механик аррали машина, арра, синиш, аварияли бузилиш, термик ишлов бериш, микротишчалар.

АННОТАЦИЯ

В статье представлены возможности использования тонких пластинчатых ножовок и многоножковочных рабочих органов мех- ножковочных машин рамного типа с целью снижения простоев, количества отходов и брака, повышения производительности при работе поточных линий.

Ключевые слова: мехножковочная машина, ножовка, поломка, аварийное разрушение, термообработка, микрозубцы.

ANNATATION

In article are presented possibility of the use the fine lamellar hacksaws and multi hacksaw worker organ fur hacksaw of the frame type machines for the reason reductions simple, amount departure and defect, increasing to capacity when functioning production lines.

Key words: hacksaws, hacksaw, breakage, emergency destruction, heat treatment, micro teeth.

Рамали типдаги механик аррали машиналар дастлабки материални бир вақтнинг ўзида бир нечта пластинкали арралар билан ишлов бериш имконияти билан боғлиқ бўлган юқори унумдорликка эга эканлиги туфайли саноатнинг бир қатор тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Бу ўз навбатида уларнинг пухталигига муҳим талабларни келтириб чиқаради, чунки арраларнинг синиши, уларни чархлаш зарурияти ва бошқа сабаблар натижасида машиналарнинг тўхташи оқим линияларнинг тўхтаб қолиши туфайли катта иқтисодий заарarga олиб келади. Саноат корхоналари иш тажрибаларининг кўрсатишича, рамали типдаги механик аррали машиналарнинг пухталиги муаммосида уларнинг кесиши қобилиятини тиклаш зарурияти билан боғлиқ бўлган параметрик инкорларга нисбатан арранинг аварияли бузилиши биринчи ўринга чиқади ва бу ўз навбатида маҳсулотдан маҳсулотга ўтишда аррали рамаларни алмаштирилишига тўғри келиши мумкин. Бундан ташқари, битта пластинкали арра бузилганда машинанинг иши блокланмаслигини ҳисобга олиш зарур, бу эса яроқсизликлар сонининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ишчи органларнинг кўп аррали конструкциялари механик аррали машиналарнин ишининг тўхтаб қолиш эҳтимолини оширади. Бу ердан пластинкали арраларнинг мустаҳкамлигига қўйилган талабларни ошириш зарурияти келиб чиқади.

Пухталик назарияси нуқтаи назаридан ишчи органлар кетма-кет тизим қўринишида бўлиб, унда битта элементнинг инкор қилиши бутун тизимнинг инкор қилишига олиб келади. Бундай тизимнинг инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги уни ташкил этувчи элементларнинг инкорсиз ишлаш эҳтимолиги кўпайтмасига teng:

$$P_{(t)} = P_1 P_2 \dots P_n \prod_{i=1}^n P_i$$

Агар аррали рамадаги ҳар бир пластинкали арранинг пухталигини биир хил деб ҳисобласак, унда аррали раманинг инкорсиз ишлаш эҳтимоллиги қўйидагига teng бўлади:

$$P_{(t)} = P_i^m$$

Пластинкали арранинг тасмасига кесиш ва узатиш кучларидан ташқари рамага босиш кучи ҳам таъсир қиласди. Доимий ва ўзгарувчан кучлар биргаликда юкланганда аррада механик аррали рама юритмасининг кривошипли механизми синхрон айланышлар частотасининг даврий кучланишлари пайдо бўлади.

Арранинг кучланганлик ҳолати кесиш жараёнини, арранинг геометрик ва конструкцион тавсифларини, унинг ишга тайёрлаш ва рамада ўрнатилиш сифатини аниқловчи параметрлар қаторининг мураккаб функцияси бўлиб ҳисобланади.

Ушбу омилларни ҳисобга олиш ва ўтказилган тадқиқотлар арранинг мустаҳкамлик заҳирасини ҳисоблаш учун соддалаштирилган ифодани олиш имконини беради:

$$n = \frac{\sigma_{-1}}{6,25\sigma_a + 0,29\sigma_m}$$

бу ерда: σ_{-1} – кучланишнинг асимметрик циклида арра материалининг чидамлилик чегараси; σ_a , σ_m – мос равища циклнинг амплитудали ва ўртача кучланиши.

Меъёрдаги тақсимлашда мустаҳкамлик мезони бўйича инкорсиз ишлаш эҳтимоли P ни квантillardан – берилган эҳтимолликка мос келувчи тасодифий катталиктан боғлиқлигини аниқлаймиз. Меъёрдаги тақсимланиш квантими қўйидагига teng:

$$U_p = -\frac{n-1}{\sqrt{n^2 V_{\sigma_{-1}}^2 + V_{\sigma_a}^2}}$$

бу ерда: $V_{\sigma_{-1}}$ ва V_{σ_a} – мос равища аррадаги асимметрик циклда ва кучланишлар амплитудасида пластинкали арра материалининг чидамлилик чегараси.

Экспериментларда σ_a , σ_m , $V_{\sigma_{-1}}$, V_{σ_a} катталиклар бўйича олинган қийматлардан фойдаланиб, рамали типдаги механик аррали машинанинг ишчи органларини пухталик кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Бунда ҳисоблашнинг қўйидаги кетма-кетлиги қабул қилинди. Даствлаб арранинг геометрияси ва кесиш тартиботларини ўрганиш учун мустаҳкамлик заҳираси коэффициенти катталигини ва сўнgra унга мос равищдаги тақсимлаш квантилини аниқлаймиз. Шундан сўнг жадвалдаги қийматлар бўйича инкорсиз ишлаш эҳтимолининг изланаётган қийматини топамиз. Ўтказилган ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, қалинлиги 1 мм ва ундан ортиқ бўлган пластинкали арралар толиқиши мустаҳкамлиги бўйича етарлича умрбоқийликка эга ва кўп аррали рамалардан фойдаланишда зарурий пухталикни таъминлайди.

Кесувчи қисмларнинг самарадорлиги ишчи органларнинг кесиши қобилиятидан боғлиқ бўлиб, бу тиф сиртининг кесиладиган материалдаги маҳаллийлашган кучланганлик ҳолатини билдиради.

Бирлик миротишчанинг кесиладиган материал билан туташуви шуни кўрсатадики, тифнинг ўтмаслашиш радиуси, миротишчаларнинг бўйлама қадами, уларнинг баландлиги ва бошқа баъзи кўрсаткичлари, кесишининг берилган кинематик шартларида материалнинг емирилиш хусусиятини аниқлади. Шу билан бирга эластиклистик туташиш шароитларида ишқаланиш йўлагининг кўп марталаб қайта деформацияланиш ҳисобига ёки микротишчанинг бир марта таъсири ҳисобига янги сирт ҳосил бўлиши мумкин бўлиб, бу нуқсон пайдо бўлишига ёки кесиладиган сирт

Кесма сиртининг текислиги, чиқинди ва яроқсиз маҳсулот сони, тайёрланманинг рухсат этилмаган деформациянинг мавжудлиги кесиши қобилиятига таъсир қилувчи бир қатор омиллар билан аниқланади. Юпқа деворли маҳсулотлар ва қувурларни сирпанувчан кесища арранинг кесувчи қисми арранинг кесувчи қисми – тифнинг микрогометрияси муҳим рол ўйнайди. Аппа тифнинг мирорельфи уларни абразив асбоб билан чархлашда шаклланади. Абразив зарралари жилвирлаш доираси боғламларида тартибсиз жойлашганлиги туфайли, микрорельфнинг ҳосил бўлиши мақбул параметрлардан жуда узоқ бўлган тасодифий хусусиятга эга.

Юпқа тифнинг (6....25мкм) конструктив хусусиятлари чархлаш пайтида иссиқликни чиқаришни сезиларли даражада қийинлаштиради, бу эса металлнинг тузилишини ўзгаришига олиб келиши мумкин. Чархлашда арранинг пухта қайд қилинмаганлиги, жилвирлаш доирасининг нотўғри танланганлиги, чархлашнинг кучайтирилган тартиботи, аппа материалининг қаттиқлигини назоратининг мавжуд эмаслиги кесувчи қиррада нуқсонлар пайдо бўлишига ва ўз навбатида арранинг чидамлилиги ва кесувчанлик хоссаларининг пасайишига оилб келади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, термик ишлов берилган легирланган пўлатдан тайёрланган пластинкали арраларни чархлашда тифнинг микрогометриясига таъсир қилувчи энг аҳамиятли омил бўлиб жилвирлаш доирасининг донадорлиги ҳисобланади. Бундан кейин эса аппа материалининг қаттиқлиги, жилвирлаш доирасининг қаттиқлиги муҳим ўрин тутади. Кесувчи қирранинг микрогометриясини тавсифловчи параметрлар сифатида профил микронотекислигининг энг катта баландлигидан, профилнинг ўртача арифметик четлашувидан, чиқиқ баландлигидан, ўрта линиянинг нисбий таянч узунлигидан ёки ўрта линия бўйича микронотекисликлардан ва кесувчи қирранинг кенглигидан фойдаланилди.

Жилвирлаш доирасининг донадорлиги ва қаттиқлигининг оширилиши қадамнинг микронотекисликларидан ташқари барча параметрларнинг оширилига олиб келади. Шу билан бирга чархлашда тифнинг буралиши, ғадир-будурликлар пайдо бўлиши каби нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин. Жилвирлаш доирасининг заррачаларини 60×10^{-4} дан 400×10^{-4} гача оширилиши кесувчи қирра кенглигининг 30...40% га ошишига олиб келади. Жилвирлаш доираларининг қаттиқлиги бу параметрга амалий жиҳатдан таъсир кўрсатмайди.

Кесувчи қиррадан ташқари барча назорат қилинадиган параметрлар, арранинг бошланғич қаттиқлиги оширилганда камаяди. Чармли доирага ГОИ пастасини суртган ҳолда тифни меъёрига етказиш яхши натижаларни кўрсатди. Меъёрига етказиш операцияси кесувчи қирранинг кенглиги микрогометриясининг параметрларини 15...20% га камайтириш

имконини беради. Чархлаш бурчагини $12\ldots35^\circ$ оралиқда ўзгартириш арра микрогометриясининг параметрларига таъсир кўрсатмайди.

Тифнинг юқори кесувчанлик қобилиятига M1 ва M2 қаттиқлик ва 6,10,12 донадорликдаги керамик боғланишга эга бўлган электрокорундли доира билан чархлаш пайтида эга бўлиш мумкин. Тиғларни навбатдаги чармли доиралар билан меъёрига етказиш асбобнинг чидамлилик даврини сезиларли равишда оширади. Кесимларнинг сифатини ошириш ва ишлатиш пухталигини ошириш иш самарадорлигининг оширилишига олиб келади.

Бу оқим линияларнинг ишлашида тўхтаб қолишлиарни ва яроқсизликлар сонини камайтириш мақсадида рамали типдаги механик аррали машиналарнинг кўп аррали ишчи органларидан ва юпқа пластинкали арралардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида дарка беради.

Адабиётлар

1. Рамали типдаги машиналарда пластинкали пичоқларнинг инкорсиз ишлаш кўрсаткичлари. Хроменко. В.М, Уринов Н.Ф., Сайдова М.Х. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш. №7 1997
2. Крагельский И.В. Трение и износ. М.; Машгиз, 1977 г.
3. Прокофьев Г.Ф. Устойчивость рамных пил. Лесной журнал, №6, 1982 г.